

Узум республиканинг ҳамма ҳудудларида кенг тарқалган ва у деярли ҳамма фермер, деҳқон хўжаликларида ва томорқаларда етиштирилади.

Узум ўсимлигининг турли шароитларга мослашганлиги, уни ҳар хил тупроқларда: кумли, шағалли, унумсиз, сизот сувлари яқин жойлашган ерларда ҳам яхши ўсиб, юқори ҳосил бериш имконини туғдирган.

Хўраки узум етиштириш, қуритилган маҳсулот тайёрлаш ҳамда виночилик узумчилик соҳасининг асосий таркибий қисмларидир.

Токзорларнинг майдони мунтазам равишда кенгаймоқда, қари, маҳсулдорлиги паст узумзорлар реконструкция қилиняпти, ишлаб чиқаришга янги навлар кириб келмоқда.



Оналик-нав токзорлар. Ишлаб чиқаришда узум вегетатив йўл билан – қаламчалар, пархишлаш ва пайванд қилиш орқали кўпайтирилади. Қаламчалар она токзордан тайёрланади. Шунинг учун узум навларини кўпайтирадиган ҳар бир фермер хўжалигида она токзорлар ёки кўпайтирилатган навларнинг она туплари бўлиши шарт. Она туплар касаллик ва зараркунандалардан ҳоли бўлишлари керак.

Она токзорларда тупларнинг яхши ўсиши ва кўп миқдорда қаламчалар олиш учун икки марта минерал ўғитлар билан озиқлантириш зарур, биринчи марта май ойида – 60 кг/га азотли, 45 кг/га фосфорли, ҳамда 15 кг/га калийли, иккинчи марта 15 кундан кейин озиқлантирилади.

Узум кўчатзорини барпо этиш. Кўчатзор учун текис, унумдор, механик таркиби бўйича энгил ва ўртача бўлган, сув билан таъминланган ерлар бўлиши керак. Кўчатзор учун ер тайёрлашда кузда оддий плуг билан 30 см ёки плантаж плуг билан 40-60 см чуқурликда ҳайдалади ва 20-30 тонна/га чириган гўнг, минерал ўғитлардан 40-50 кг калийли хлор ва 300-400 кг/га суперфосфат солинади.

Қаламча тайёрлаш ва уни сақлаш. Етилган қаламчаларни баҳорда ток тупларини қирқишда (февралда) ёки кузда (сентябрнинг охири-октябрда) тайёрланади. Қаламчаларнинг узунлиги 40-50 см ва камида 5 та куртакка эга бўлиши керак. Тайёрланаётган қаламчаларнинг диаметри ўрта

ўсувчи навлар учун 5-10 мм, кучли ўсувчилар учун 6-13 мм бўлади. Қаламчанинг пастки учи куртақдан 2-3 мм пастда тўғри қилиб қирқилади, учки қисми эса куртақдан 1,5-2,5 мм юқориқда қия қилиб кесилади. Новда учки етилмаган қисмидан, бачки новдалардан, жингалаклардан тозаланади. Тайёрланган қаламчалар қиш давомида махсус омборларда ёки чуқурлиги 60 см ли ўраларда сақланади (расм-1).



Расм 1. Узум қаламчаларини сақлаш.
а – ер тўлада, б – ўрада.

Қаламчалар боғлами вертикал ҳолатда, пастки учини юқорига қаратиб тахланади. Қаламчаларнинг устидан 30-40 см тупроқ тортилади.

Қаламчаларни экишга тайёрлаш. Узум қаламчаларини тайёрлашнинг энг самарали усули кильчевкалашдир. Кильчевкалашда қаламчанинг пастки томонида тупроқ ҳарорати 18-20°C ошмаган нам ҳолат яратилади. Бундай шароитда 13-15 кундан сўнг кильчевка қилинаётган қаламчаларда каллюс пайдо бўлиб, илдиз муртаклари ҳосил бўлади. Қаламчаларни кильчевкалаш куз ойларидан баҳоргача ўтказилиши мумкин.




Расм 2. Кильчевкадан сўнг узум қаламчалари.

Бунинг учун чуқурлиги 170-190 см, эни 3-4 м ва ихтиёрий узунликда хандақ қавланади. Унга янги от гўнги 60-80 см қалинликда солинади. Гўнг сатҳидан 15-20 см баландлиқда ёғоч пол тайёрланади. Пол устига 6 см қалинликда нам дарё қуми солинади, унинг устига 1:1 нисбатда 4 см қалинликда чириган гўнг билан чимли тупроқ солинади. Қаламча боғламлари ораси қаламчанинг 2/3 қисмигача нам қум ёки тупроқ билан тўлдирилади. Қаламчаларнинг учки қисми буғланиш ва ҳароратни кескин ўзгаришини камайтириш мақсадида похол, қипиқлар ёки бошқа мульча материаллар билан қопланади. Кильчевкалаш одатда 12-14 кун давом этади (расм-2). Электростратификацион қурилма (ЭСУ-3М) билан илдиз ҳосил бўлишини яхшилаш мумкин. Қаламчаларни икки қатлами орасига автоматик иситгич қўйилиб, 20-22°C ҳарорат ушлаб турилади.

Қаламчаларга ўсишни бошқарувчи моддалар билан ишлов бериш (ИУК – 200-300 мг/л – 18-24 соат, НУК – 50 мг/л – 20-24 соат, ИМК – 70 мг/л – 20-24 соат) илдиз ҳосил бўлишини тезлаштиради.

Қаламчаларни экиш. Кильчевка қилинган қаламчалар кўчатзорга тупроқнинг 25 см чуқурлигида ҳарорат 10-13°C бўлганда, лекин апрель ойининг учинчи декадасидан кечикмасдан экилиши керак. Қаламчалар эгатларга вертикал ҳолатда 25-30 см чуқурликда экилади ва уларни

ораси 8-10 см, эгатлар ораси 60 см дан 90 см гача бўлади. Экилган қаламчалар атрофи тепкилаб зичланади, устига тупроқ тортилади сўнг суғорилади (расм-3).



Расм 3. Қаламчаларни кўчатзорга экиш.

а – жанубий (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида) ҳудудларда, б – шимолӣ (Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятида) ҳудудларда.


Узум кўчатзорини парвариш қилиш. Узум кўчатзорини парваришласи суғориш, эгатларни олиш, ҳар суғоришдан сўнг қатор ораларини юмшатиш, бегона ўтларни олиб ташлаш ва 2-3 марта минерал ўғитлар билан озиклантиришдан иборат. Биринчи озиклантириш май ойининг охирида, иккинчиси июнь ойининг ўртасида ва учинчиси – июль ойининг бошларида ўтказилади. Ҳар озиклантиришда 60 кг/га аммиакли селитра ёки 85 кг/га сульфат аммоний берилади.

Кўчатларни қовлаб олиш. Август – сентябрь ойларида кўчатзорда апробация ўтказилиб нав тозалиги аниқланади. Октябрнинг иккинчи ярмида кўчатлар қовлаб олиниб, сўнг сараланади.

Биринчи навга камида битта яхши етилган, диаметри 7-8 мм бўлган, 7-8 куртакли, диаметри 1,5-2,0 мм бўлган 5-6 та ва ундан ортиқ илдизчаларга эга бўлган кўчатлар қиради.

Иккинчи навга кучсиз, илдиз системаси яхши ривожланмаган кўчатлар қиради (расм-4).

Кўчатлар саралангандан сўнг, улар алоҳида боғланади ва нав номи ёзилган этикеткалар осилади. Кўчатлар қовланаётган ва ташиш пайтида қуриб қолишдан сақлаш керак.



Расм 4. Узум кўчатлари.

а – биринчи нав, б – иккинчи нав, в – яроқсиз.

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик,
узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот
институтини

Узумни фермер хўжаликларида
кўпайтириш



Bioversity
International



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

Swiss Agency for Development
and Cooperation SDC

Ушбу буклет Bioversity/SDC «Заиф экосистемалардаги фермер хўжаликларида зарарни камайитириш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалик экинлари уруғ ва кўчат хилма-хиллигидан фойдаланиш ва уларни имкониятини ошириш» лойиҳаси доирасида тайёрланди ва нашр этилди.

Таклиф ва мулоҳазалар учун контактлар:

Академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтини (М.Мирзаев номли БУваВ ИТИ)

Манзил: 111116, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Гулистон қишлоғи, Чимкент йўли кўчаси

Тел.: (+99871) 220-24-42, (+99871) 220-26-82

Факс: (+99871) 220-26-48

Эл. почта: mevaiti@qsxv.uz, meva-uzum@exat.uz

Расмда: Хоразм вилояти Урганч тумани Оқ олтин қишлоғидан фермер Собирова Гулзоданинг ток оналик туплари.

Тузувчилар: К.И.Байметов, Е.А.Шредер, Ш.М.Ахмедов
А.Қ.Қайимов умумий таҳрири остида.

Тошкент – 2015